

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва сұғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояяга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома № 2018 йил

май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-414 гурӯҳ талабаси

Акобиров Рустамхоннинг

**«Кичик бизнес субъектларини инвестицион–инновацион
молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштириш
(Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиали маълумотлари
бўйича)» мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: проф. Қодиров
А.Қ. – АТБ “Микрокредитбанк”
ўқув марказ директори**

**Илмий маслаҳатчи: проф.
Зайналов Ж.Р.**

САМАРҚАНД – 2018

Мундарижа

Кириш	
I Боб. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида инвестицион жараёнларни амалага ошириш ва ривожлантириш	
1.1. Хўжалик субъектларига инвестицияларни жалб этишни иқтисодий механизми.....	11
1.2. Инвестицион-инновацион жараёнларни кўчайтиришни аҳамияти ва имкониятлари	14
1.3. Инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш омилларини таснифи.....	17
II Боб. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиёти ва холати	
2.1. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш амалиёти.....	22
2.2. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлашнинг манбалари ва усуллари.....	30
2.3. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлаш амалиёти.....	32
III Боб. Ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш..	
3.1. Кичик бизнес субъектларини Infinbank АТБ томонидан кредитлаш хусусиятлари.....	38
3.2. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлашда банклар фаолиятини кучайтириш тенденциялари...	42
3.3. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлашни такомиллаштириш...	44

IV Боб. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиалида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	55
4.2. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиали ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	56
4.3. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиалида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	61
4.4. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	67
Хуносা.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

Кириш

Мавзунинг долзарбилиги. Иқтисодиёт тармоқларига инвестицион инновацияларни жалб этишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш шароитида ўта муҳим масалалардан хисобланади. Чунки инвестиция фаолиятининг йўлга қўйилиши ва бу жараёнда юзага келадиган ташкилий-иктисодий вазиятни хисобга олиб, турли воситалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш соҳа самарадорлигини оширади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, тармоқлар ва соҳалар учун сарфланадиган инвестициялар, маблағлар мақсадли ишлар учун аниқ йўналтирилган бўлиши керак.

Инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш ва унинг манбаларини шакллантириш, жамғармаларни, жалб қилинадиган пул ва бошқа активларни инвестиция ресурсларига айлантириш демакдир. Амалиётда бу қайд қилинган маблағлар тақрор ишлаб чиқаришдан олиниб, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инновацияларнинг муҳимлиги борасида Биринчи Президентимиз И.Каримов куйидаги фикрларини келтириб айтиб ўтганлар “банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқиrozни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишининг ишончли йўлидир”¹. Миллий иқтисодиётимизда инновацияларни жорий этиш ўз-ўзида бўлмайди, албата “... биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқиrozдан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада ўзоқ муддатга мулжалланган дастурлар ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг аосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларини эгаллаши учун кучли

¹ И.Каримов Жаҳон молиявий-иктисодий инқиrozи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент. Ўзбекитон. 2009. 7-бет

туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор. Мана шу ўта муҳим масалани, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи стратегик вазифани эътиборимиздан чиқармаслигимиз зарур. ...”².

Бизга маълумки инновациялар доимий ўзгаришда бўлганлиги сабабли иқтисодиётга инновациялани жорий этиш мамлакат миллий иқтисодиёти учун ҳар доим ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб келмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таш ташабуси билан мамлакатимизда етакчи соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантириш, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш, бу борада самарали механизмларни ишлаб чиқиш, илмий-экспериментал ихтисослашган лабораториялар, юқори технологик марказлар, технопарклар ва бошқа инновацион тузилмаларни мустаҳкамлаш янги вазирликнинг фаолият йўналишларидандир.

Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий марказида бунинг учун барча шароит яратилади. Вазирлик ҳам шу марказда жойлашади. Ушбу муассасада илмий-консультатив, иқтисодиёт тармоқлари инновацион эҳтиёжларини ўрганиш, ёшлар инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш хизматлари, масофавий таълим курслари йўлга қўйилади. Иқтидорли ёшлар бу ерда янги ишланма ва технологиялар билан танишиш баробарида старт-ап лойиҳаларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

² И.Каримов Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Тошкент. Ўзбекитон. 2009. 20-бет.

“Халқимиз дунёқарашда инновация мұхитини яратиш әнг мұхим вазифамыздыр. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўйлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак”³, деди Шавкат Мирзиёев..

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларини кредит ва инвестиция фаолиятлари назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Симановский, В.Усоскин, В.Шеннаев, В.Меленко, Г.Белоглазова, Д.Полфреман, Д.Макнотон, Ж.Матук, Ж.Синки, К.Барлтроп О.Лаврушин, О.Наумченко, Р.Коттер, Х.Фурукава, Э.Рид, Э.Роде, Э.Доланлар⁴ нинг илмий ишларида ўрганилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес субъектларини молиялаштириш ва кредитлашда банк тизими ва уларни ролини ошириш билан боғлиқ масалалар А.Қодиров, А.Вахабов, О.Намозов, Ж.Зайналов, О.Абдусаломова, Р.Шомуродов, Т.Бобакулов, Ш.Абдуллаева, С.Бержанов, О.Иминов, С.Норқобилов, О.Намозов, З.Холмажедов, Т.Қоралиевлар⁵ томонидан тадқиқ этилган.

³ Ш.Мирзиёев Халқимиз дунёқарашда инновация мұхитини яратиш – әнг мұхим вазифамиз. Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази барпо этишдаги маъruzалари. 02.12.2017

⁴ Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. - М.: Ленинград. 1991. - 446 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. - Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. - 323 с.; Финанс и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. - М.: Юрайт-Издат, 2003. - 575 с.; Банковское дело. Учебник. Под ред. Лаврушина О.И. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 672 с.; Рид Э., Коттер Р. Коммерческие банки. Пер. с англ. - М.: Космополис, 1991. - 478 с.; Синки Дж. Управление финансами в коммерческом банке. М. Инфра, 1995. - 820 с.

⁵ Вахабов А.В. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидилилги ва тўлов қобилиятини оширишда капиталлашишнинг ўрни// Банк тизини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент: Молия, 2009. - Б. 29-35.; Ж.Р.Зайналов и другие Банковские риски. Эвалюция и управление. Международный опыт. Монография. – Караганда: КЭУК, 2012. – 234 с., Ж.Р.Зайналов и др. Управление банковскими рисками в условиях модернизации экономики. Брошюра. – Москва, 2013. – 36 с., Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллый валютанинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш ўйлари. И.ф.д. илм. дараж. олиш уч. тақд. эт. дисс. автореф.- Тошкент: БМА, 2008. - 33 б. Дадабаева Ҳ.Ф. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини назорат қилиш муаммолари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. - Тошкент: Банк-молия академияси, 2005. - 20 б.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кичик бизнес субъектларини инновацион-инвестицион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштиришни асосий йўналишлари алоҳида мустақил тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммони долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарли тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуда битирув малакавий ишини бажаришда тадқиқот мавзуси сифатида олинишига асос бўлди.

Тадқиқот ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва сугурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқот ишининг мақсади кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Юқорида келтирилган тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

- хўжалик субъектларига инвестицияларни жалб этишни иқтисодий механизмлари ўрганиш;
- миллий иқтисодиётда инвестицион-инновацион жараёнларни кўчайтиришни ахамияти ва унинг имкониятларини тавсифлаш;
- инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш омилларини таснифини келтириш;
- кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш амалиётини тадқиқ этиш;
- кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлашнинг манбалари ва усуллари умумлаштириш;
- кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлаш амалиётини Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиали маълумотлари асосида ўрганиш;

- кичик бизнес субъектларини Infinbank АТБ томонидан кредитлаш холатини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;
- Кичик бизнес субъектларини инвестицион–инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қатор йирик тижорат банклари шунингдек асосан Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиали ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини инвестицион–инновацион молиялаштириш ва кредитлаш жараённада юзага келадиган молиявий муносабатларидир.

Тадқиқот методлари. Малакавий ишини ёзишда индукция ва дедукция, илмий абстракциялаш, гурӯхлаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил каби усусларидан фойдаланилди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- иқтисодиётни глобаллашуви шароитида тижорат банклари орқали инвестицион жараёнларни амалага ошириш ва ривожлантириш зарурлиги таклифи асослаб берилди;
- кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётидаги илгор тажрибалардан мамлакатимиз банклари фаолиятида ижодий қўлланилиши ўзининг ижодий натижаларини бериши амалий жиҳатдан исботланди;
- ҳозирги шароитда республикамиз иқтисодиётини ривожланишини асоси бўлган кичик бизнес субъектлари, уларни инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштиришнининг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;
- ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш банк мижозларининг аксарият қисмида юқори ликвидли

гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, мижозларнинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйишнинг лозимлиги таклиф этилди;

- қисқа муддатли кредитлашнинг овердрафт, контокоррент шакларидан фойдаланиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилди.

Ишнинг илмий янгилиги Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

- тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларига инвестицияларни жалб этишни иқтисодий механизмининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион жараёнларини кўчайтиришни аҳамияти ва имкониятлари, уларни молиялаштириш ва кредитлаш даражасини оширишда тижорат банклари фаолияти устивор аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди;

- кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш амалиётида кредитлашнинг манбалари ва усулларига салбий таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланди;

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар

мамлакатимиз тијорат банкларининг кичик бизнес субъектларини инвестицион–инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Битирув малакавий ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиали (2018 йил 17 майдаги 28-16/10-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Тадқиқиот иши натижаларидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Молиявий бизнес режа”, “Корпоратив молия”, “Пул, кредит ва банклар” ва “Банк иши” ўқув курсларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, турт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат. Ишнинг ҳажми 75 саҳифа бўлиб, 7 жадвал ва 5 расмларни ўз ичига олган.

I Боб. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида инвестицион жараёнларни амалага ошириш ва ривожлантириш

1.1. Хўжалик субъектларига инвестицияларни жалб этишни иқтисодий механизми

Хозирги даврда мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маънозамзуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қиласди. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашуви кучайиб боришидир.

Айни пайтда бу жараёнлар ҳалқаро майдондаги рақобат кескинлашувига ҳам, хар бир мамлакатнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун кураши кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, мамлакатларда иқтисодий ривожланиш бир текисда бормаслиги, улар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовут, экологик таҳдидлар кучайиб бориши, аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби холатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, самарали таркибий тузилмага эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестиция фаолиятига боғлиқ. Шунга кўра, инвестиция фаолияти миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим манбай ҳисобланади. Инвестиция фаолияти асосидаги кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш фан-техника таракқиётининг ўсиш суръатлари ва кўламига фаол таъсир кўрсатади, ишчи кучи бандлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Шунингдек, мазкур фаолият иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлаштирилиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов «Инвестиция базасини ривожлаптириш ва чуқурлаштириш

ислоҳотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир»⁶ деб, бу жараёнга яна бир бор ургу бериши мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Инвестицион-инвестициялар фаолияти ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки шу фаолият орқали мамлакат ишлаб чиқариш қуввати юқори даражада ўсиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва сифати ортиши, моддий ва маънавий эҳтиёж қондирилиши, ишлаб» чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланишини таъминлаш мумкин. Ҳозирги замонда инвестиция фаолияти иқтисодий тузилмани ўзгартиришни амалга оширувчи асосий дастак бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавийлаштариш, табиий ресурс ва худудларни ўзлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, фан-техникани ривожлантириш, экологик муаммоларни бартараф этиш кабиларни ҳал этишга қаратилиши керак. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда давлат инвестиция жараёнининг бош ташкилотчиси ва асосий функцияси - ижтимоий сиёsat нуқтаи назаридан бош инвестор бўлиши лозим.

Бозор иқтисодаёти шароитида инвестицион инновациялар фаолиятининг мақсади тадбиркорлик даромади ёки фоиз олиш ҳисобланади. Инвестициялар қайси соҳа ёки обьектга қўйилиши ҳамда капиталнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокидан келиб чиқсан ҳолда молиявий ва реал инвестицияларга бўлинади. Молиявий инвестициялар давлат ва хусусий компаниялар томонидан чиқарилган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, қурилиш обьектлари, банк депозитларига узок муддатли қўйилмаларни ифодалайди⁷. Баъзи манбаларда молиявий инвестиция қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияларни ўз ичига оловчи халқаро молия- кредит фаолияти сифатида кўрсатилади. Фикримизча, бу жараёнга факат халқаро даражадаги фаолият сифатида қаралиши нотўғри.

⁶ Каримов И.Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 58-б.

⁷ Иностранные инвестиции. В кн.: Л.Н.Палова. Финансы предприятий. – М., 2004. С.172.

Молиявий инвестициядан фарқли ўлароқ, реал инвестициялар асосий капитал ҳамда материал-ишлиб чиқариш захираларининг ўсишига қўйилмани акс эттиради.⁸

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг аксарият қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Иқтисодиётнинг давлат секторида капитал реал инвестициялар орқали, шунингдек, кредит, субсидиялар бериш йўли билан иқтисодий тартибга солиш сиёсати асосида қўйилади. Давлат инвестициялари аввало инфратузилма тармоқларига йўналтирилади. Инвестициялар самарадорлиги, одатда, фаол элементлар улуши ўсиши билан ошиб боради. Кенг маънодаги тушунча сифатида тадбиркорлик объектларига ва фаолиятнинг бошқа қўринишларига қўйилувчи мол-мулк ва интеллектуал бойликларнинг барча турлари инвестиция ҳисобланиб, улар натижасида фойда олинади ёки ижтимоий самара қўлга киритилади. “Инвестиция” сўзининг бундай талқин этилишида самара келтирувчи манбалар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қофозлар;
- кўчар (ҳаракатланувчи) ва қўчмас мулклар (бино, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий қийматлар);
- муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқувчи мулкий ҳуқуқ, «ноу-хау» ва бошқа интелектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, мулкий ҳуқуклар ва бошқалар⁹.

Давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг инвестицияларни амалга ошириш бўйича барча амалий хатти-ҳаракатлари йиғиндиси инвестиция фаолиятини ташкил этади. Хусусий, қарзга олинган ва жалб этилган мулкий ва интеллектуал бойликларни инвестициялашнинг у ёки бу объектларига

⁸ Иностранные инвестиции в России. В кн.: Международные экономические отношения /Под.ред. Е.Ф.Жулова. –М., 2004. С. 67.

⁹ Турсунов Б.М. Внешнеэкономическая деятельность и привлечение иностранных инвестиций. Курс лекций. –Т.: Ўзбекистон, 1995. С.46.

кўйиш тўғрисидаги қарорни инвестиция фаолияти субъектлари (инвесторлар) қабул қиласидилар. Инвестиция фаолияти субъекта бўлиб инвестор ёки бир неча инвесторлар – тадбиркорлик ёки бошка фаолият иштирокчилари ҳисобланиши мумкин.

1.2. Инвестицион-инновацион жараёнларни кўчайтиришни аҳамияти ва имкониятлари

Инвестицион инновациялар мамлакат миқёси ёки ундан ташқарида амалга оширилишига қараб ички ва ташқи (хорижий) инвестицияларга ажратилади. Агар ички инвестицияда бир мамлакат ичидағи қўйилмалар назарда тутилса, инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан хукуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан хукуқларининг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади. Чет эл инвестицияси, бу - нафақат молия ресурслари, шунингдек, янги техника, замонавий чет эл технологияси, бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг янгича усуллари ҳамдир. Чет эл сармояларини жалб этишда чет эллик инвесторларга улар мамлакатимизда эркин фаолият юритишлари учун қулай инвестиция иқлими яратиб бериш зарурлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу масъулиятни аввало давлат ўз зиммасига олиши керак. Ўзбекистонда давлатнинг роли бу жараёнда жуда ҳам катта аҳамиятга эга.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда инвестицион - инновация жараёнлари ва уларнинг ийғиндисидан таркиб топадиган инвестицион фаолиятни бозор иқтисодиётига мос равишда ташкил этиш мақсадида қатор иқтисодий ва хукуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятига дахлдор қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарор ва меъёрий хужжатлари қабул қилинди. Уларга таяниб иш кўрилгани боис республика иқтисодиётига, шу жумладан, миллий

иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш жараёни жонланди, маълум инвестицион мухит шаклланди. Натижада маҳаллий ва хорижлик инвесторлар билан барқарор фаолият юритила бошланди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарорликни таъминлаш билан бирга, ижтимоий-иқтисодий холатни ҳам ижобий томонга ўзгартирди. Инвестицион инновациялар жараёнларини кучайтириш, фаоллигини ошириш бевосита миллий иқтисодиётнинг холати ҳамда унга жаҳон ҳамжамиятининг таъсири билан ҳам боғлиқ.

Инвестицияларни жалб этиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясини таъминлаш тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг хориж тажрибаси кўрсатишича, миллий иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш асосини инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва жозибадорлигини оширши ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, тутган ўрни ва табиий-ташкилий-иқтисодий холатдан келиб чиқсан ҳолда, унинг турли тармоқларига инвестицияларни кенг жалб этиш иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш босқичида мҳхим омиллардан саналади.

Бироқ, миллий иқтисодиётнинг дастлабки босқичларида кам даромадлилиги, ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлган хатарлар юқорилиги, инвестицион инновацияларни этишнинг бозор тамойилларига мос мукаммал механизмлари шаклланмаганлиги сабабли баъзи тармоқларнинг инвестицион жозибадорлиги пастлигича қолмоқда. Бундай холларга барҳам бериш учун, авваламбор, тармоқлараро инвестициялаш таркибини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётга ажратиладиган инвестициялар миқдорини ошириш зарур. Бу эса, молия, кредит, товар ва лизинг инвестицияларини технологик жараёнларни такомиллаштириш, моддий- техника ресурсларини кўпайтириш ва инвестицион ишлаб чиқаришга йўналтиришни талаб этади.

Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга

киритиши мақсадида моҳияттан ҳозирги харажатларни билдиради ёки ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборат. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган хатарлар билан боғланишини келтириш мумкин. Иқтисодиёт самарали ривожланишида инвестициялар алоҳида ўрин тутади. Бу ҳолни аникроқ белгилаш учун қуйидаги икки тушунчани – “ялпи инвестициялар” ва “соф инвестициялар” тушунчаларни кўриб чиқамиз.

Ялпи инвестиция деганда, маълум муддат давомида янги қурилишга қаратилган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва товар-материал захираларини кўпайтиришга йуналтирилган инвестицион воситаларнинг умумий ҳажми тушунилади.

Соф инвестицион инновациялар деб, маълум муддат ичида амортизация ажратмалари йиғиндисига камайтирилган ялпи инвестициялар йиғиндисига айтилади. Соф инвестицион-инновациялар кўрсаткичи динамикаси мамлакатнинг у ёки бу босқичдаги иқтисодий ривожланишини акс эттиради. Агар соф инвестициялар йиғиндиси манфий ишорага эга бўлса, бу ишлаб чиқариш салоҳиятининг камайишини билдиради. Агар соф инвестициялар йигиндиси нолга teng бўлса, иқтисодий ўсиш йўклиги аниқланади, чунки ишлаб чиқариш салоҳияти ўзгармас бўлади, ва, ниҳоят, агар соф инвестициялар йиғиндиси мусбат бўлса, бу иқтисодиёт ривожланиш босқичида эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар бирор-бир инвестор ўзи яшаётган давлат ёки минтақадаги бир нечта мамлакатлар ичидан алоҳида бир давлатини танлаб олиб, унинг иқтисодиётига ихтиёридаги инвестиция ресурсларини сарфлай бошласа, ишонч билан айтиш мумкинки, ўша жойда инвестицион инновациялар муҳитини белгилаб берувчи инвестицион инновация сиёсати тўғри ва оқилона ташкил этилаган.

1.3. Инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш омилларини таснифи

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари давом этар экан, унинг барча бўғинларида албатта ўзгаришлар содир бўлиши ва янги иқтисодиёт барпо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ўз асарларида иқтисодиётни модернизациялашни жуда кенг ва атрофлича тарғиб этиб, «иқтисодиётимизда чукур ислоҳотларни давом эттириш; юртимизга замонавий технологияларни олиб келиб, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини тезлаштириш сиёсатини изчил амалга ошириш лозим»¹⁰, деб таъкидлайди.

Республикамиз президентининг ушбу фикирларидан яққол кўриниб турибдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлардан асосий мақсад ишлаб чиқаришни янгилаш, модернизациялаш орқали бутунлай «янги иқтисодиётни», яъни энг замонавий рақобатбардош иқтисодиётни яратишдан иборатдир.

«Янги иқтисодиёт», иборасининг кенг ва турлича талқин қилиш мумкин. Масалан, хорижлик иқтисодчи олим Р.Алкали ўзининг «Янги иқтисодиёт: генезис, эвалюция, самара», номли асарида: «... бу меҳнат самарадорлигининг ошишига таъсир қилувчи» инновациялар ва бизнес юритишнинг янги усусларини интенсив жорий қилиш билан боғлик бўлган иқтисодиётдир»¹¹ , деб ҳисоблайди. Ушбу фикрга рус олимаси И.А.Стрелец ҳам қўшилган ҳолда, — «янги иқтисолиёт бу шундай нарсаки, юқори технологияларнинг иқтисодий муҳитга таъсири остида, алоҳида макроиқтисодий, параметрларнинг ўзгаришига олиб келади» , деб ёзади¹².

Юқоридаги иккала олим таърифларидан ҳам кўриниб турибдики, замонавий иқтисодий ривожланишнинг асосий хусусиятларини ишлаб чиқаришни янгилаш, модернизациялаш белгилаб бермоқда. Бунинг натижасида: иқтисодий

¹⁰ Каримов И. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон. – 2012 й. 34-35 б.

¹¹ Roger Alkaly. The new economy: what it is, how it happened, and why it is likely to last/ Roger Alkaly. – New York: Farrar, Straus and Giroux, 2003. P.20.

¹² Стрелец И.А. Новая экономика и информационные технологии. – М.: Экзамен, 2003. С. 138.

фаолиятнинг глобал электрон муҳити шакллантирилмоқда; бизнесни ташкил этишнинг янги тармоқли шакллари яратилмоқда ва масофавий меҳнат муносабатлари кенг тарқалмоқда; виртуал ташкилотлар пайдо бўлиб, ходимларнинг аниқ, бир офисга боғланмаган ҳолда замонавий телекоммуникацион тизимлар орқали алоқалар ўрнатилмоқда; корхона ва ташкилотлар асосий функцияси бўлмаган фаолиятларини вақтинча бошқаларга топширмокда (аутсорсинг), савдо тизимида электрон тижоратнинг ривожланиши билан боғлиқ туб ўзгаришлар содир бўлмоқда ва бошқалар. Ушбу ҳолатларнинг барчаси бизнинг ҳам замонавий иқтисодиётимизда амал қилиб келмоқда. Битирув малакавий ишининг 1 – жадвалида жаҳон иқтисодий тизимининг олдинги ва ҳозирги фарқли ҳолатларини қўйидаги жадвалда келтирамиз.


1 – жадвал.

Замонавий иқтисодиётнинг фарқли жиҳатлар

	Давр	
	XX аср 2-ярми	XXI аср боши
Иқтисодий ўсишнинг стратегик омиллари	Ишлаб чиқариш тажрибаси	Назарий билимлар
Устувор капитал	Жисмоний	Интеллектуал
Устувор активлар	Моддий	Номоддий
Рақобатбардошликтининг асосий жиҳатлари	Саноат технологияларида	Технологик ва бошқарув инновацияларида
Жаҳон иқтисодиётининг асосий стратёгияси	Капитал ва мулкнинг оқиб ўтиши	Билимлар ва технолошялар оқими
Ишлаб чиқаришнинг асосий формуласи	Капитал + меҳнат	Капитал + юқори технологиялар
Инновацион жараён	Функционал даражада жорий амалга оширилар эди	Корпоратив тарзда доимий бошқариб борилади

Демак, янги иқтисодиётнинг асоси инновацион тарзда фикрлаш ва ёндашишда ётади. Хорижлик иқтисодчи олим П.Друкернинг фикрича, «инновацион тарзда фикрлаш – бу онгли равишда бузиш ва ўзгартиришларни самара келтирувчи омилга айлантиришга мослаштиришдир».¹³ Маълумки, «ҳозирги вактда компанияларнинг реал баҳоси борган сайин уларнинг номоддий активлари, даражаси билан ўлчанмоқда (ғоялар, технологиялар ҳамда компанияларнинг бирлашиш ва ахборот ресурсларини ишлатиш стратегиялари). Чунки, ҳозирги вактда бозордаги ўзгаришларга тез мослаша олган, таркиби, бизнес юритиш усуллари, маҳсулот ва хизматларини доимий ўзгартириб борган компаниялар муваффақият қозонмоқда». Иқтисодиётнинг янгиланиш даврида ривожланишнинг энг асосий омили – интеллектуал капитал бўлиб: қолмоқда. Чунки турли хил ғоялар, бизнес юритишнинг технологиялари ва усулларини яратиб катта фойдага эришиш мумкин. Шундай қилиб, интеллектуал маҳсулотларни иқтисодий усишнинг бош омили деб айтиш хато, бўлмайди.

¹³ Друкер П.Ф. Новое общество организации // Вестник СПбГУ. Серия Менеджмент. – 2004. – Вып. 1. – С. 96-112.



1-расм. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим ва инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари.

Замонавий иқисодиётнинг таркибий ўзгаришларини таҳлил қилас эканмиз, янги иқтисодиётга хос асосий жиҳатлар кўламининг кенгайиб бораётганини куришимиз мумкин:

Биринчидан, янги иқтисодиёт билимлар ва илгор технологияларга асосланган бўлиб, бунда яратилган маҳсулот ва хизматларнинг туб негизида ётувчи билим асосий ўринга чиқади. Чунки, юқорида айтганимиздек, ғоялар, бизнес юритиш усуллари ва технологиялар катта фойда ва самара келтирмоқда;

Иккинчидан, анъанавий тизимли алоқа, маҳсулотларнинг физик тарздаги ҳаракати ва бошқалардан фарқли равишда, ахборотларни алмасиш ва қайта ишлаш — инновацион жараёнларни бошқаришнинг муҳим омиллари ва самаралироқ, усуулларига айланиб қолди;

Учинчидан, иқтисодиётда моддий товарларни ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат кўрсатиш ва сервис ҳажми ортиб бормоқда;

Тўртинчидай, ривожланган бозорларда рақобатнинг кучайиб бориши шароитида инновацион жараёнлар нафақат керак, балки муваффақиятнинг асосий гаровига айланиб бормоқда;

Бешинчидан, рақобатнинг кучайиши кооперациянинг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, рақобатчилар ўз мақсадларига эришиш учун бирлашмоқдалар, яъни, тўлиқ ахборот муҳитида ишлашлари учун бошқалар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлмоқдалар. Тўлиқ ахборот муҳитида ишлаш — бу ҳамкорларнинг тезкор равишда ўзаро маълумотлар билан алмасиб фаолият юритиши демакдир.

II боб. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлаш амалиёти ва холати

2.1. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш амалиёти

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва унинг манбаларини шакллантириш, жамғармаларни, жалб қилинадиган пул ва бошқа активларни инвестиция ресурсларига айлантириш демакдир. Амалиётда бу қайд қилинган маблаглар тақрор ишлаб чиқаришдан олиниб, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Инвестицияларни молиялаштириш ҳажми ўсишининг яна бир асосий манбаларидан бири - фойда бўлиб, амортизация ажратмаларидан фарқли ўлароқ, фойда кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш харажатларини қоплаган ҳолда, иқтисодиётга қўшимча молиявий оқим кириб келишини таъминлайди. Шу хусусда фойда бошқа пул оқимлари билан ўрин алишмайди. Фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицияларга йўналтирилиши керак. Бундай қарор қабул қилиш корхонанинг ривожланиш истиқболи ва молиявий имкониятини аниқлаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни молиялаштириш ҳажми акцияларга қўйилган қўйилмалар ҳисобига ҳам ўсиши мумкин, бундай шароитда акциялар қуидаги афзалликларга эгадир:

- олди-сотди иштирокчилари ўртасида биржадан ташқари келишув шартномасини мутлақ эгаллаш;
- бозор иқтисодиёти шароитида пул айланишининг асосий улушкига эга бўлиш;
- хусусийлаштирилган корхоналарнинг назорат пакетини истиқболли инвесторлар томонидан сотиб олиниши ҳисобига тўғри келиши;
- жорий даврда инвестицион жараён тез пулга айланиши мумкин бўлган акцияларда акс этиши;

- давлатда рўй бераётган сиёсий жараён билан бозор шароити ўртасида узвий алоқа ўрнатилиши;
- дунё конъюнктураси ўзгаришларига нисбатан акцияларни баҳолашнинг таъсирчанлиги ва ҳ.к.

Шунингдек, бозор иқтисодиётида молиялаштириш ҳажмининг ўсишига таъсир этувчи манбаларидан яна бири - бу **толлингни** ривожлантиришdir.

Толлинг шароитида ишловчи ходимлар нафақат келишилган иш ҳақини олади, балки корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ташкил этишда ҳам бевосита, ижодий равишда иштирок этадилар ҳамда якуний натижадан манфаатдор бўладилар.

Айланма маблағларнинг умуман йўқлиги ёки етишмаслиги шароитида толлингдан фойдаланиш – корхоналарни хом ашё сотиб олиш ва уларни қайта ишлаш учун ўз жамғармаларини жалб қилишига имкон яратади. Бу эса, турли соҳалардаги бир қатор корхоналарни иқтисодий тақчилликдан олиб чиқишига ва айланма маблағларни ташқи кредит манбалари орқали тўлдиришдаги боғлиқликни камайтиради.

Инвестицион-инновацияларни молиялаштириш ҳажми марказлаштирилган маблағлар ҳисобига ҳам ўсиши мумкин, унга Республика бюджети, маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари фонларнинг маблағлари ва ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестицияларни киритишимиз мумкин. Республикаизнинг 2017 йил учун тасдиқланган инвестиция дастурида марказлаштирилган инвестицияларнинг салмоғи жами инвестицияларда 15,1 фоизни ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, 2004 йилда эса бу кўрсаткич 46 фоизни ташкил этган эди.¹⁴ Демак, замонавий инвестиция сиёсатида марказлаштирилган инвестицияларнинг улушини қисқартириш ва корхоналарнинг шахсий маблағлари, аҳолининг бўш маблағлари ва бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилишни кўпайтириш масаласи асосий масалалардан ҳисобланади. Республикада

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси статистика вазирлигининг ҳисобот маълумотлари

худудий ва маҳаллий бюджетлараро инвестицион жараёнлар амалга ошишини қуидагиларга бўлиб кўриб чиқиш мумкин.

Республика бюджетига бир тарафдан, ягона иқтисодий юксалишни сақлашга қаратилган ва умумбашарий манфаатдан келиб чиқувчи истиқболли инвестицион дастурларни таъминлаш, шунингдек, макроиктисодий тизим барқарорлигини шакллантириш шартларидан бири сифатида халқ хўжалигини баланслаштиришга эришишдан иборат вазифа юклатилган. Бошқа томондан эса, марказнинг асосий функцияси, бюджет, солиқ воситаси орқали қуий бўғинларга таъсир этиш ва нафақат инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш, балки инвестиция талабини ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва мавжуд шароитни яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Инвестицион инновацияларнинг хусусий сектордаги юқори даражаси, ривожланиш суръати иқтисодиёт рақобатбардошлигига боғлик. Иқтисодиётнинг мазкур секторини ривожлантириш ички ресурсларни, биринчи галда аҳоли ва давлат жамғармаларини сафарбар қилишга асосланиши лозим. Инвестициялар чекланган шароитда аҳоли фаровонлигини ошириш нуқтаи назаридан самарали бўлган ва кам инвестиция, талаб этувчи, мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида аҳамият берилмоқда.

Самарқанд вилояти кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг таҳлили жамғармалар даражаси қанчалик юқори бўлса, инвестиция киритиш учун имкониятлар шунча кенгаишидан далолат беради. Шу борада, жамғарма ва инвестициялар динамикасидаги тенденциялар кичик бизнеснинг имкониятларини кўрсатади

Самарқанд вилоятида 2017 йилда ялпи худудий маҳсулот 18 319,5 млрд сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 102,5 фоизни ва аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқарилиши 4 970,4 минг сўмни ташкил этди.

Шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9197,7 млрд. сўмни ёки 104,5 фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 5579,6


млрд. сүмни ёки 97,7 фоизни, чакана товар айланмаси 9017,2 млрд. сүмни ёки 101,2 фоизни, капитал қўйилмалар 3307,1 млрд. сүмни ёки 89,9 фоизни, курилиш-пудрат ишлари 2351,1 млрд. сүмни ёки 95,6 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 9088,2 млрд. сүмни ёки 101,4 фоизни, жами хизматлар ҳажми 8237,6 млрд сүмни ёки ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил қилди.

Ялпи худудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 70,5 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 45,1 фоизни ташкил этди.

2-расм

Самарқанд вилояти ҳудудлари бўйича кичик бизнес субектларига

берилган кредитлар ҳажми¹⁵ (млн.сўм)



¹⁵ Самарқанд вилоят Марказий банк бошкармаси ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

2017 йилда Самарқанд вилоятини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Дастурларга асосан 3 та (саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги) йуналишда қиймати 1646,6 млрд. сўмлик жами 2252 та лойиҳаларни амалга ошириш ва 20214 иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Битирув малкавий ишнинг 2-расмида Самарақанд вилоятини ҳудудлари бўйича кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар миқдори ҳақида маълумотлар берилган.

Амалда қиймати 2023 млрд. сўмга teng бўлган 2252 та лойиҳа амалга оширилиб, 20214 та янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 22 та корхонанинг 43 та лойиҳаси бўйича 220,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 3,3 млн. доллар маблағ иқтисод қилиниб, 62,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 123 та янги иш ўринлари яратилган.

Бандлик дастури 76,6 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш белгиланган дастурни ижро этиш натижасида 77,5 та иш ўрни ташкил этилди.

Шундан, мақсадли дастурга мувофиқ 27 570 та, (саноатда 9119 та, хизмат кўрсатишда 8356 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 3025 та), қурилиш ва инфратузилма обьектларини амалга оширишда 7070 та, фаолият кўрсатмаётган корхоналар фаолиятини тиклашда 2429 та иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, якка тадбиркорликни ривожлантиришда 6532 нафар, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилишдаги мавсумий ва вақтинча ишларда 22886 нафар, аҳолининг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалигидаги ўз-ўзини банд қилиш ва оиласий тадбиркорликда 36386 нафарининг бандлиги таъминланди.

Кичик бизнесни ривожлантириш кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 1 трилн. 425,9 млрд. сўмлик кредит берилди ва 3259 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

2880 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 270,6 минг метр квадрат бино-иншоотлар ижарага берилиб, натижада 2385 та иш ўрни яратилди. Уларнинг сони 17261 тага етди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1568 та, саноатда 3908 та, қурилишда 1836 та, савдо соҳасида 5102 та, ташиш ва сақлаш соҳасида 714 та ва бошқа соҳаларда 4133 тани ташкил этди.

Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 70,5 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 43,3 фоизни ташкил этди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан жами 25629 фуқарога 148,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шундан, қорамолчилик йўналишида 13294 фуқарога 86,9 млрд. сўмлик, қўйчилик ва эчкичиликда 1158 фуқарога 5,5 млрд. сўмлик, паррандачиликда 4803 фуқарога 16,4 млрд. сўм, иссиқхона ташкил этишда 2377 фуқарога 15,3 млрд. сўмлик, боғдорчиликда 1492 фуқарога 7,3 млрд. сўмлик, асаларичиликда 150 фуқарога 1 млрд. сўмлик ва бошқа йўналишларда 2355 фуқарога 16 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Экспорт 191 млн. 714 минг долларлик маҳсулот экспорта чиқарилди. Шундан, саноат маҳсулотлари 62 млн. 570 минг, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 129 млн. 145 минг долларни ташкил этди.

Бундан ташқари, 195 та янги корхона экспортга жалб этилди, 132,1 млн. доллар миқдорида маҳсулотлар экспортга жўнатилди.

Экспорт географияси кенгайиши натижасида бир нечта янги турдаги маҳсулотлар ҳам ўзлаштирилди: устачилик маҳсулотлари, яхна чой, тез тайёр бўлувчи макаронлар, бир марталик полиэтилен идишлар, эркаклар пальтоси, ёғоч ўриндиқлар, музлатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, турли хил қурилиш материаллари.

43,2 млн. долларлик хорижий инвестициялар жалб этилиб белгиланган прогноз режаси 104 фоизга бажарилди. Натижада рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 291 тага етди.

Самарқанд вилоятида ялпи жамғармалар ўсишининг мақбул тенденцияси шакланди. Кейинги уч йилда вилоятдаги кичик корхоналарнинг асосий капиталга сарфланган ялпи инвестициялар миқдори 2,9 баробарга, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришга 5,2 баробарга ошди ва у 18,1 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестицияларнинг 86 фоизи машина ва жиҳозлар олишга сарфланди. Уларни молиялаштиришнинг 3/4 қисми корхона маблағлари ва атиги 25 фоизини тижорат банклари кредитлари ташкил этди. Тармоқ кесимида таҳлил этганимизда, вилоятдаги инвестицияларнинг аксарият қисми саноат (64,5%), савдо ва умумий овқатланиш (21,2%) ҳамда қурилиш (5,5%) соҳасига туғри келди.

Инвестицион инновациялар таркибадаги бундай ўзгаришлар солиқ юки қисқариши, хусусиулаштириш жараёнининг жадаллашуви, шунингдек, уй хўжаликлари улушкининг юқори даражада ортиши ва давлат муассасалари жамғармалари улушкининг жиддий равишда қисқариши оқибатида содир бўлди. Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби 2-жадвалда акс этилган.

2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2017 йилда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби¹⁶

Кўрсаткичлар	Миқдори (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (%)
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3362,2	111,2
Шу жумладан		
Марказлашмаган инвестициялар	739	109,1
Бюджет маблағлари	300,1	279,5
Давлат мақсадли жамғарма маблағлари	107,1	106,9
Ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	331,8	70,9
Марказлашмаган инвестициялари	2623,1	110,7
Корхоналарнинг ўз маблағлари	153,8	95,7
Аҳоли маблағлари	707,9	114,2
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1761,4	109,8

Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятга жалб қилинган инвестицияларнинг 10 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган. Ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 300,1 млрд.сўми давлат бюджети, 107,1 млрд. сўми бюджетдан ташқари фонdlар, 331,8 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар, 1761,4 млрд.сўм банк кредитлари, 707,9 млрд. сўми аҳоли маблағлари, корхона ва ташкилотлар маблағи 153,8 млрд. сўм ҳисобига молиялаштирилган. Пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 2497,1 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,7 фоиз ўшишга эришилди.


Капиталга инвестициялашнинг таркибий тузилишида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, асосий капиталга инвестиациялашда саноат ишлаб чиқаришнинг улуши 64,4 фоизни, транспорт ва қурилиш соҳаларида 5 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда 21,6 фоизни, улгуржи савдода 13,2 фоизни, чакана савдода 13,2 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, 2017 йилда саноат ишлаб чиқаришга қилинган инвестициялар жами

¹⁶ Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасининг маълумотлари асосида тузилди

инвестицияларнинг 34,7 фоизини ташкил қилган эди кичик бизнес корхоналарида савдо-сотик, тижорат ва хизмат кўрсатиш тадбиркорлигидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мойиллик ортиб бормоқда. Бу ижобий ҳолатни асосий фондларнинг ишга туширилишидаги саноат ишлаб чиқаришнинг улуши 60 фоизга етганлигада ҳам кўришимиз мумкин.

3-расм

Самарқанд вилояти банклари бўйича кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар (йил чораги бўйича, млн.сўм)¹⁷



2.2. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлашнинг манбалари ва усуслари

Маълумки, банк тизими ва қимматли қофозлар бозори қарз маблағларини молиялаштиришнинг манбалари бўлиши мумкин. Корпоратив облигацияларни сотиш йўли билан қимматли қофозлар бозоридаги ресурсларни жалб қилиш имкони ҳам туғилади. Кейинги йилларда корпоратив облигациялар бозорининг ривожланиши фаоллашиб бормоқда. Банк секторидан кредитларни жалб қилиш йўли билан ҳам инвестицияларни

¹⁷ Самарқанд вилоят Марказий банк бошкармаси ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

амалга оширса бўлади. Афсуски, бозор иқтисодиётини асосини ташкил қилувчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш механизмида банк тизими орқали аҳолининг жамғармаларини инвестицияга йўналтириш масаласи суст кечмоқда. Барча ишлаб чиқариш инвестицияларининг арзимаган қисмигина тижорат банклари улушкига тўғри келмоқда. Иқтисодиётнинг реал секторида инвестициядаги банк кредитларининг улуси 2,5-3 фоизни ташкил этади. Ҳозирги даврда иқтисодиётга корхоналарнинг бир меъёрда ишлаши учун зарур бўлган маблағлардан 3-4 баробар кам микдорда кредит маблағлари ажратилмоқда. У ҳам бўлса, қисқа муддатли ссудалар кўринишидадир. Шу билан бирга, тижорат банклари вакиллик ҳисобрақамларида 45-60 млн. сўмга эга бўлиб, у иқтисодиётнинг нуфузли тармоқларидаги корхоналарни кредитлаштиришга сарфланмоқда.

Молиявий тақчиллик даврида иқтисодий ўсиш барча ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш натижасида амалга ошади. Ишлаб чиқариш қувватларининг катта қисми (50 фоиз) айланма капиталнинг етишмаслиги ва инвестицион имкониятнинг пастлиги сабабли тўлиқ фаолият юритмаяпти. Шунинг учун инвестиция фаолиятида селенгдан фойдаланиш бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқдир.

Инвестицион селенг - бу инвестицион ресурсларни жалб қилишнинг бир тури бўлиб, у чет эл амалиётида тадбиркорликнинг турли соҳаларида инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий воситаларидан бирига айланган. **Селенгдан одатда** реал инвестициялашда шахсий молиявий воситалар етишмаган ҳолатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, шунингдек, уни фойдаланиш даври унчалик катта бўлмаган ёки технологиянинг ўзгариши юқори даражада бўлган реал инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўллаш мумкин. Унинг афзаллиги шундан иборатки, инвестицион селенг тадбиркорлигига қўйилган капитал маблағ пул капиталидан фарқли ўлароқ, бозор иқтисодиёти шароитида ер ва кўчмас мулкнинг қиймати ўсгани каби инфляцияга мойил эмас. Чет эл банкларида ўз ҳисобрақамларига эга бўлган ватандош тадбиркорларимизнинг

капиталларини жалб қилиш инвестицияларни молиялаштиришнинг реал манбаларидан бири бўлиши мумкин. Бу маблағларни жалб этиш учун энг аввало, хукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатимиз тўғрисидаги ахборотларнинг шаффоғлигини таъминлаш зарурдир.

Молиялаштиришнинг ташқи манбалари чет эл банкларининг кредитлари, халқаро банклар кредитлари кўринишидаги чет эл инвестициялари бўлиши мумкин. Чет эл капиталини жалб қилиш ҳар қандай иқтисодиётга хосдир.

Бугунги кунда Ўзбекистан иқтисодиётида ҳам реал секторларни ривожлантириш ва тиклаш учун йирик инвестицияларни амалга ошириш талаб қилинмокда.

Хозирги даврда инвестицияга муҳтож республика корхоналарининг кўпчилиги уларни жалб қилиш ва фаолият кўрсатишга тайёр эмаслар, яъни кўп компанияларнинг аниқ истиқболлари йўқлиги, корхоналарни бошқариш бўйича чет эл инвесторларини жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги тўғрисида фикр юритилмоқда. Бунинг учун эса республика иқтисодиётига ўз ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни амалга ошира оладиган аниқ давлат концепцияси яратилиши лозим.

2.3. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлаш амалиёти

Иқтисодиётни модернизациялаш ва уни янада тараққий этишида кичик бизнес субъектларининг ўрни ва аҳамияти юқоридир. Мамлакат ЯИМ даги кичик бизнес субъектлари улушининг сўнгги йиллар мобайнида ўсиб бориши ушбу фикрни яна бир бор исботлайди. Биргина 2017 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдага улуси 56,9 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2000- йилга нисбатан (31,0 %) қарийб 2 мартаға ошганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Биз

мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмаларини маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини нафақат қабул қилдик, балки уни амалда жорий этмоқдамиз” деб таъкидлаган фикрлари муҳим амалий аҳамият касб этада. Чунки мамлакатда хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида уларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам кафолатлар тизими яратилган бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралashiшга йўл қўйилмаслик чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқлиги, чет эллик инвесторларнинг даромади хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатитилиши мумкинлиги уларнинг манфаатдорлигини ва ишончини -янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонл “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги Қарори 1-иловасининг 28-29-бандига мувофиқ, қуидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

- банкларда инвестицион – инновацияси лойиҳаларининг экспертизаси сифатини, шу жумладан, уларга оид жараёнлар шаффофлигини ошириш, банкларнинг лойиҳалаштириш институтлари билан ўзаро тажриба алмашиш, зарурият туғилганда лойиҳаларни экспертиза қилишга лойиҳалаштириш институтларни жалб қилиш, шунингдек лойиҳа экспертизаси жараёнида барча потенциал омиллар ва рискларни инобатга олишни таминлаш;

- тижорат банклари томонидан хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргалиқда инвестициявий лойхаларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича инжиниринг компанияларини ташкил

етиш вазифалари белгиланган.

Бугунги кунда тијорат банкларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини инвестицион - инновацияларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ва уни ривожлантиришда юқоридаги белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ушбу Қарорнинг 1-илова 51-бандида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларини субъектларининг инвестицион – инновацион фаолиятларига тегишли лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини ўзлаштириш ва жалб қилишни такомиллаштириш, бунда кўрсатилган молиялаш манбалари ҳисобидан 2011 йилда - 75млн долл., 2012 йилда - 90 млн. долл., 2013 йилда - 110 млн. долл., 2014 йилда - 130млн., долл. ва 2015 йилда - 155 млн. долл.дан кам бўлмаган ҳолда молиялаштаришни таминлаш вазифасининг белгиланиши ва унинг амалдаги ўз ифодасини таминланганлиги ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини инвестицион кредитлашнинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида тијорат банклари томонидан ажратилган инвестицион инвестициялашнинг ва унинг ўзгариш динамикаси 4-расмда келтирилган.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш. Банк тизими томонидан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талаблари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳамда микрокредитлаш ҳажмини ошириш орқали аҳолини, айниқса, кам таъминланган оиласарни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва

уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди

Натижада 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2016 йилга нисбатан 23,3 фоизга ошиб, 19 трлн. 564,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Шундан ажратилган микрокредитлар 4 трлн. 15 млрд. сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 20,7 фоизга ўсди.

4-расм

Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион инвестиция кредитларнинг ўзгариш динамикаси*



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

2017 йил давомида тижорат банклари томонидан: - хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 3 трлн. 582,2 млрд. сўм; - оиласий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-куватлашга 490,3 млрд. сўм; - аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига 2 трлн. 782,3 млрд. сўм микдорида кредит

маблағлари ажратилган. 2017 йил давомида хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобига кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратишни янада кенгайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 414,8 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп кредит маблағлари ўзлаштирилди.

З-жадвал

Хорижий мамлакатлар ҳамда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни ва даражаси¹⁸

Мамлакатлар	КБС сони (минг)	1000 кишига тўғри келадиган КБС сони	КБС да банд бўлганларнинг умумий бандлик сонидаги улуши (%)	КБС нинг ЯИМ даги улуши (%)
Буюк Британия	2 930	46	49	50 – 53
Германия	2 290	37	46	50 – 54
Италия	3 920	68	73	57 – 60
Франция	1 980	35	54	55 – 62
ЕИ мамлакатлари	15 770	45	72	63 – 67
АҚШ	19 300	74	54	50 – 52
Япония	6 450	50	78	52 – 55
Ўзбекистон	297*	9,1	78	56,9

*Жами кичик бизнес субъектлари – 221140 ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари – 76000

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” статистик түплами, 04.11.2015й

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб – қувватлашни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тушунтириш бўйича жойларда муентазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Банкларнинг веб-сайт ва порталлари орқали кўрсатилаётган банк хизматлари, жумладан, кичик бизнес соҳасига ажратилаётган кредитлар, уларнинг афзалликлари, фоиз ставкалари ва бошқа тегишли маълумотлар.

4-жадвал

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улуши*

Кўрсат-кичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
Ялпи ички маҳсулот	31,0	34,6	35,6	42,1	48,2	52,5	54,0	54,6	55,8	56,1	56,5	25,5
Саноат	12,9	15,4	11,0	10,9	14,6	18,8	21,9	23,1	28,1	31,7	40,6	27,7
Қишлоқ хўжалиги	73,6	74,9	81,1	94,0	97,7	97,8	97,7	97,8	98,0	98,0	98,4	24,8
Инвестиция	15,4	16,3	18,8	26,5	24,6	28,5	31,9	35,3	32,7	35,4	35,8	20,4
Қурилиш	38,4	42,0	49,6	52,1	58,4	53,1	68,6	71,1	71,5	69,5	66,7	28,3
Савдо**	74,1	79,6	88,5	89,1	84,6	85,1	86,7	87,3	86,6	86,3	87,1	13,0
Пуллик хизматлари	37,0	40,1	47,9	50,8	48,5	47,0	46,3	44,9	46,2	48,6	50,5	13,5
Жами хизматлар	x	x	x	x	44,2	45,7	46,1	46,8	48,9	51,5	55,6	x
Юқ ташиш	6,7	12,0	19,7	27,2	38,1	41,6	43,2	44,2	47,3	50,9	53,7	47,0
Юқ айланмаси	25,8	37,2	54,1	64,7	74,6	76,6	78,9	81,2	82,8	83,4	83,7	57,9
Йўловчи ташиш	30,0	39,5	57,6	69,4	78,4	79,4	81,8	83,1	84,5	85,5	87,3	57,3
Йўловчи айланмаси	44,0	54,7	71,9	80,4	84,5	84,7	87,0	87,6	87,7	88,6	89,2	45,2
Экспорт	10,2	7,5	7,3	10,7	12,4	13,7	18,8	14,0	26,2	27,0	27,8	17,6
Импорт	27,4	24,9	32,7	34,0	35,7	35,8	34,3	38,6	42,4	45,4	44,5	17,1
Бандлик	49,7	53,5	60,3	69,1	73,1	74,3	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	28,2

* Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган

**- Дехқон бозорлари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда

III боб. Ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш

3.1. Кичик бизнес субъектларини Infinbank АТБ томонидан кредитлаш хусусиятлари

Банкнинг инновацион фаолияти тушунчаси жуда кенгдир.

Банк инновацияси – бу нафақат янги маҳсулотни яратиш ва қўллаш, балки банк мижозларига турли хил хизматлардан фойдаланиш имкониятини берувчи банк хизматлари доирасини кенгайтириш, замонавий технологияларни қўллаш демакдир. Инновацияларни қўллаш умуман банк бошқаруви унинг филиаллари ва мини банкларни қамраб олади. Бу қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва хатарларни бошқаришда ҳам ўз аксини топади, Ўзбекистан банк тизимида инновацияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш лозимдир. Чунки бу, мамлакат иқтисодиётида рўй берётган жараёнлар билан биргаликда, банклар фаолиятининг рентабеллилигини ушлаб турувчи асосий механизм сифатида ҳам ишлайди.*

5-жадвал

Банк инновацияларининг таснифи

Таснифий хусусияти	Инновация тури	Инновация мазмуни
Янгилик босқичига кўра	Биринчи босқич – жаҳон миқёсидаги инновациялар	Жаҳон молия бозори ёки банк соҳасида бутунлай янги инновация
	Иккинчи босқич – миллий инновациялар	Бир мамлакат ёки миллий банк тизимида биринчи маротаба қўлланаётган инновация
	Учинчи босқич – алоҳида банк инновациялари	Инновация сифатида факат алоҳида тижорат банкида биринчи маротаба қўлланилиши
	Тўртинчи босқич – банкнинг худудий	Банкнинг худудий бўлинмаларида шу худуднинг алоҳида

	бўлинмаларидаги инновациялар	хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгартириш киритилган ва қўлланилган инновацялар
Келиб чиқиш сабабига кўра	Реактив (тезкор) инновациялар	Рақобат мухитида банкнинг барқарор ишлаб туришини таъминлайди. Бундай инновациялар учинчи ёки тўртинчи босқичга мансубдир.
	Стратегик инновациялар	Ушбу инновацияни қўллашдан мақсад халқаро ва миллий молия бозорида рақобатчилик устунлигини қўлга киритищdir.
Талабни қондириш хусусиятига кўра	Мавжуд талабларни қондиришга қаратилган инновациялар	Тўлиқ ёки қисман қондирилмаётган мавжуд талабаларни қониқтирилиши учун қаратилади
	Янги талабларни шакллантирувчи инновациялар	Янги банк махсулотлари ва хизматларига бўлган талабнинг келиб чиқишига туртки бўлади
Инновацияларни қўллаш обьектига кўра	Махсулотлар	Банкнинг максимал даражадаги инновацион ғоялари банк махсулотлари кўринишида амалиётда қўлланилади
	Хизматлар	Инновацион хизматларнинг яратилиши банк фаолияти доирасининг кенгайиши билан боғлиқ бўлади.
	Технологиялар	Банкнинг ташкилий, ахборот ва коммуникацион фаолияти билан боғлиқ

5-жадвалда банклар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган инновациялар таснифини келтирамиз. Ушбу таснифдан кўриниб турибдики, банк соҳасидаги инновациялар деганда бутунлай янги, аналоги бўлмаган бир гояни амалиётга қўллаш эмас, балки шу соҳада энди қўлланилаётган ёки амалда мавжуд, лекин эскирган махсулот ва хизматларни модернизациялаш

орқали уни янгича кўринишда ва шартларда таклиф этиш тушунилар экан.

Банк инновацияларига қўйидаги хусусиятлар хосдир:

- инновациянинг қисқа ҳаётий цикли. Бу хусусият айниқса инновацион банк маҳсулотларига хосдир;
- банк фаолиятида қўлланилган муваффақиятли инновацияларнинг жуда тез тарқалиши;
- банк инновацияларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ минимал илмий, назарий харажатлар;
- инновацияларнинг кетма-кетлик хусусияти, яъни бир инновация ўзидан кейин мижозларнинг талабларини янада тўлиқроқ қондира оладиган бошқа инновациянинг яратилишига олиб келига хусусияти.

Жаҳоннинг етакчи банкларида янги банк маҳсулотлари, технологиялар ва хизматлар инновацион фаолиятнинг натижаларига айланиб борар экан, банк ахборот технологиялари соҳасида электрон банк бизнеси, яъни масофавий банк хизматлари асри бошланди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларида интернет-банкинг, банк-мижоз, SMS-банкинг, мобил-банкинг каби янги инновацион хизматлар амалга оширилмоқда.

Тижорат банкларининг бошқа турдаги анъанавий фаолият турлари республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан чукур илмий-амалий тадқиқ қилиниб келинмоқда. Аммо, банкларнинг масофавий хизматлари ҳали комплекс ўрганилмаган. Айниқса, банк инновацияларининг умумий банк фаолиятига таъсири қандай бўлиши, хатарларнинг инновацияларга таъсири ёки инновацион маҳсулотларнинг бошқа банк операцияларида учрайдиган хатарлар даражасига таъсири кабилар тадқиқ этилмаган.

Шу боис, банкларда инновацияларнинг татбиқ этилишида юзага чиқиши мумкин бўлган хатарларни таснифлаш, уларнинг таъсир даражасини камайтириш, инновацион хатарларни бошқариш, моделлаштириш долзарб масалалар қаторига кирмоқда. Бунинг учун албатта банкларнинг

инновациялари бўлмиш ҳар бир хизмат турларининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳам зарур бўлади.

Шундай қилиб иқтисодиётнинг янгиланиш шароитида банк фаолияти янги кўринишга эга бўлиб, унинг асосий жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлмоқда:


- анъанавий банк операциялари, улушининг камайиб бориши ва мижозларнинг талабларига жавоб берадиган янги маҳсулот ва хизматларнинг кўпайиши;
- банк капиталйнинг миллий ва халқаро доирада жамлашуви;
- банк бозор қийматини оширишнинг банк менежментининг асосий мақсадига айланиши. Бунда банк хатар-менежментга асосий эътиборини қаратувчи ташкилот сифатида фаолият юритиши ва ҳ.к.

Хозирда банклар ҳамжамияти шундай фикрга келмоқдаки, банк бозор қийматининг ошиши ва банк капитализациясининг ўсиши умумий кўринишида банкларнинг ижтимоий функцияларининг бажарилишини ва иш ўринларининг сақланишини таъминламоқда. Бу давлатнинг умумий иқтисодий ўсиш тамойилларига ҳам мос келади.

Самарқанд вилоятида ҳудудий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кичик бизнесни ривожлантириш учун “Infinbank” АТБ Самарқанд вилоят филиалининг ҳам ўрни бекиёсdir. Битирув малакавий ишининг 5-расмида “Infinbank” АТБ Самарқанд вилоят филиали томонидан иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига берилган кредитларининг таркиби холати берилган, ёки айтиш мумкинки кредит портфелини таҳлилий таркиби берилган.

Кредит қўйилмаларининг таркиби

- Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар
- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг



3.2. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион фаолиятини кредитлашда банклар фаолиятини қучайтириш тенденциялари

Модернизациялашган, яъни янги иқтисодиётда хатар, ноаниқлик ва доимий ўзгаришларни ҳам ҳисобда чиқармаслигимиз керак, балки уларни фаолиятимиз қоидасига киритишимииз лозим.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, банклар фаолияти ҳам янгича тус олмоқда. Илгари банклар молиявий ресурсларни тақсимлаш

жараёнида фақатгина воситачилар ролини бажаарар эди. Улар фаолиятига анъанавий тарзда депозитларни қабул қилиш ва кредитлар бериш нуқтаи назаридан қаралар эди. Банк деганда пулларни сақлаш жойи, иқтисодий бошқаришнинг бир органи, биржа агенти ёки ҳисоб-китоб маркази, тўловлар воситачиси, назорат органи ва х.к. сифатида тушунилар эди.

Хозирда банкка ахборотларни бошқариш ва молиявий шартномалар ижарасини таъминлаш билан шуғулланувчи ташкилот сифатида қараш мумкин. Банк маҳсулотлари ва хизматларининг тез ва доимий такомиллашуви ҳамда уларнинг замонавий ахборот коммуникация технологиялари орқали жорий қилиниши банк бизнесига инновацион кўриниш бермода. Интернет технологиялар ахборот-коммуникация тизими имкониятларини кенгайтириб, банк фаолиятида хулоса чиқариш ва амалда қўллаш сифатини ошириди ҳамда вақтини қисқартириди. Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши банк операцияларининг унификацияси ва стандартлашуvigа олиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, банклар «молиявий супермаркет» ларга айланмоқда. Буларнинг барчаси замонавий банк фаолияти ва ривожланиши инновацион тамойиллар ва механизмларга асосланган юқори технологик молиявий институт сифатида тасаввур қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Замонавий иқтисодиётнинг инновацион характеристи банк фаолиятининг давомий ривожланиш концепциясининг ўзгаришига олиб келади.

Банк фаолиятда асосий ўзгариш тенденциялари қўйидагилар билан боғлик:

- пиравард натижада деярли бир хил турдаги молиявий хизматлар бозорининг шакилланишига олиб келувчи молиявий бозорларнинг глобаллашуви;
- миллий молия бозорларининг либераллашуви ва бошқарилишидаги ўзгаришлар натижасида банкларнинг янги рақобатчилари, яъни нобанк муассасаларининг пайдо бўлиши;
- ягона глобал алоқанинг шаклланишига имконият яратувчи жаҳон

интеграциялашган технологик тизимларига ўтиш ва бошқалар.

Кўпчилик мамлакатлар мутахассисларининг фикрича, янгича иқтисодиётда ахборот ва телекоммуникация бозорлари ўзининг туб ўзгаришлари билан замонавий банк тимсолини ўзгартириб юборди. Асрлар давомида шаклланган банк фаолияти усуллари энди мураккаблашиб, янги кўриниш касб этмоқда. Шу билан бирга, бутунлай янги, оригинал банк маҳсулотлари ва хизматлари яратилмоқда. Бу жараёнларда ахборот-коммуникацион технологиялар ривожланиши, хусусан глобал ахборот тармоғи – Интернет асосий роль уйнамоқда.

3.3. Кичик бизнес субъектларини инвестицион-инновацион молиялаштириш ва кредитлашни тақомиллаштириш

Хозиргача реал секторни ривожлантиришни рағбатлантириш учун аҳолининг кўпайиб бораётган жамғармаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар сифатини янада ошириш лозим. Жаҳон иқтисодиёти инқирози ва ундан чиқиши даврида аҳоли жамғармаларини ишлаб чиқариш учун самарали инвестицияларга айлантириш кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий барқарорлашув воситасидир. Айнан кичик ва хусусий тадбиркорлик кам харажат сарфланган ҳолда аҳоли бандлигининг юқори даражасини таъминлайди ва шу орқали аҳолининг турмуш даражасини оширишда кўпроқ самара беради. Бундан ташқари, кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ташки бозордаги ўзгарувчан шароитга тезроқ мослаша олиш хусусиятларига эга. Ишлаб чиқариш соҳаларида қичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётнинг диверсификацияланишини жадаллаштириб, келажақда иқтисодий ривожланиш барқарорлигини янада юксак даражада таъминлаши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда кичик ва хусусий

бизнеснинг ривожланиши давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

6-жадвал

Самарқанд вилояти иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ва қурилиш-пудрат ишлари¹⁹

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015й.	2016й.
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (амалдаги нархда)	млрд. сўм	2711,3	3005,6	3362,2
Ўтган йилга нисбатан	%	109,7	109,8	110,6
Сони	дона	4222	4876	5686
Шу жумладан намунавий уй-жойлар майдони	Минг м ²	142,9	165,1	194,1
Сони	дона	977	1129	1327
Мактаблар	Ўқувчи ўрни	15786	15802	15854
Коллеж ва академик лицейлар	Ўқувчи ўрни	312	348	360
Поликлиникалар	ўрни	1168	1172	1180
Газ узатиш тармоқлари	км	87,1	86,3	78,4
Сув узатиш тармоқлари	км	359,8	361,4	369,8
Савдо шаҳобчалари	м ³	19872	20352	20555
Умумий овқатланиш	Ўринлик	131	135	140
Маиший хизмат кўрсатиш	Бирлик	249	258	277
Қурилиш-пудрат ишлари	Млрд. сўм	1795,5	2105,1	2497,1
Ўтган йилга нисбатан	%	113,9	114,8	115,7
Қурилиш ташкилотларининг сони (кичик бошқа мулкчилик шаклларини қўшган ҳолда)	бирлик	1489	1546	1551
Шу жумладан, давлат	бирлик	19	21	25
Хусусий	бирлик	576	581	587
Қўшма	бирлик	-	-	2
Ҳиссадорлик	бирлик	-	-	-
Бошқа мулкчилик шакллари	бирлик	896	918	937

6-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2014 йилда ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилган инвестициялар жамига нисбатан 89,5 фоизни

¹⁹ Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасининг маълумотлари асосида тузилди

ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб жалб этилган инвестициялар жамига нисбатан 94,7 фоизга етди. Бунда ёқилғи-энергетика 2010 йилга нисбатан 2016 йилга келиб, (32,5%) га ўсди ва транспорт ва алоқа соҳаларига 2016 йилда жалб этилган инвестицияларнинг улуши (22,1%) бўлиши қолган соҳаларнинг улиши ортиши натижасидир. Шунингдек, жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ёқилғи-энергетика тармоғига жалб этилган чет эл инвестицияларининг улуши 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 24,9 фоизли пунктга ошган, транспорт ва алоқа тармоғининг улуши эса, аксинча 40,3 фоиздан 22,1 фоизга қисқарган. Бу ҳолат, иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика соҳасида янги инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Вилоят саноатида ўсиш даражасининг асосий омиллари қўйидагилар билан изохланади, яъни саноат соҳаси кўрсаткичининг 47,3 фоизни ташкил қилувчи 27 та асосий корхоналар “8 март” МЧЖ (197,4%), “Самарқанд Автомабил заводи” МЧЖ (107,4%), “Ховренко” ОАЖ (126,9%), "ЖВ МАН" ҚҚ (100,2%), ООО “Узавтотрейлер” (118,5%), “Жума элеватор” МЧЖ (145,7%), “Пулсар-Групп бревери” ҚҚ (118,5%), “Амин инвест интернешнл” ҚҚ (115,3%), “Шердор Плюс Полиграф” МЧЖ (114,2%), “Челак пахта заводи” АЖ (103,6%), “Жума пахта заводи” АЖ (104,8%), “Карпет сервис” МЧЖ (118,8%) ва бошқа йирик корхоналарда ўтган йилга нисбатан юқори ўсишга эришилди. Жомбой туманида ишга туширилган “JV MAN” кўшма корхонаси ҳам хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик самарасидир. Республика автомобильсозлигига “MAN” юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон томонидан муассис ҳисобланган “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ҳамда Германиянинг дунёга машҳур “MAN TRUCK& GROUP” компанияси ҳамкорлигига юртимизда оғир юк кўтарарадиган “MAN” автомобильларини ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. MAN юк автомобилининг қудратини автомобиль ва темир йўлларини қуриш ҳамда реканструкция қилиш, шаҳарлараро юк ташишда кўриш мумкин. Бугунги кунда заводда

тайёрланган МАН юк автомобилларини Андижон, Бухоро, Қарши, Қўқон, Навоий, Наманган, Нукус, Самарқанд, Тошкент ва Урганч шаҳарларида жойлашган корхонанинг 14 та диллерлик ҳамда сервис марказида харид қилиш мумкин ва уларда сифатли техник хизмат кўрсатилмоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятга таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда ва 2017 йилда ЯИМда унинг улуши 56,9 фоизни, бандлик соҳасида 78,3 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори миқдор кўрсаткичларига қарамасдан, кичик ва хусусий бизнеснинг сифат кўрсаткичлари ҳалигача кунгилдагидек эмас. Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аксарият қисми ҳизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг саноат ишлаб чиқариш соҳасини риюжлантиришдаги улуши пастлигича қолмоқда. Бундан ташқари, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментида хом ашё маҳсулотлари ҳамда қайта ишлов бериш даражаси юқори бўлмаган, ишлаб чиқариш технологияси даражаси паст бўлган ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган маҳсулотлар етакчилик қиласи, уларнинг фаолиятида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги жуда паст бўлиб келмоқда.

Келгусида ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашда юқори қўшимча қийматга эга товарлар ишлаб чиқарилишини молиявий рағбатлантириш талаб этилади. Технологик мураккаблиги ўрта ва юқори бўлган товарлар бозорлари ривожланмоқда, технологик сифати паст бўлган товарлар, хом ашё шаклида товарлар, хом ашё шаклида товарлар улуши кейинги 30 йил давомида мунтазам равищда камайиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг вилоят иқтисодиёти реал секторига инвестицион - инновациялар тузилмасидаги улуши 25 фоиздан ошмади, бу эса банк соҳасининг хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фойдаланилмаган салоҳиятидан далолат беради. Бизнесни бошлаш ҳамда уни ривожлантириш ва модернизациялаш учун кредитлардан фойдаланадиган тадбиркорлар


улуси талаб даражасида эмас. 22-26 фоизли тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалар (имтиёзли кредитлар бўйича 14 фоиздан бошлаб) инфляция шароитида юқори эмас. Аммо кредитларни тўлаш муддатининг қисқалиги (3 йилгача) ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим бўлган бази бир кўплаб хизматлар, материаллар ва асбоб-ускуналарни нақдсиз сотиб олишда нархларнинг юқорилиги каби омиллар ҳисобига кредитларнинг ҳақиқий қиймати етарли даражада ошади.

Аҳолининг ўсиб бораётган маблағларини расмий иқтисодий айланмага самарали жалб қилиш учун аҳоли ва тадбиркорларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва унинг жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар биринчи навбатдаги вазифалар бўлиши керак.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари устувор равища “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш”, “2012 йилги Инвестиция дастури” ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва худудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда. Бу эса корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини оширишга ва экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратади.

Маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлар ҳажмидаги салмоғи юқори ва барқарор тарзда сақланиб қолган. Бу эса тижорат банклари томонидан мамлакатдаги кичик ва тадбиркорлик субъектлари инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этаётганлиги билан изоҳланади.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг
муддати бўйича таркиби, (фоиз ҳисобида)***



*Ўзбекистан Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар улушининг ошишини рағбатлангиришга қаратилган фоиз сиёсатининг олиб борилиши натижасида узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 13,5 фоиздан 12,2 фоизга пасайди.

Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушкига қараб табақалаштирилган фойда солиги ставкаларининг- жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Инқирозга қарши чоралар дастурида жорий йилга белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, қўшимча равишда банк акцияларини муомалага чиқариш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш, банк инфратузилмасини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ҳамда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлашдаги фаоллигини янада кучайтиришдан иборат бўлди.

Республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини инвестицион кредитлаш ҳажмини оширишда хорижий кредит линияларининг ўрни хисобланади .

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари томонидан жалб қилинган хорижий кредит линиялари ва улар хисобидан ажратилган кредитлар бўйича асосий шартлар*

№	Тижорат банклари	Хорижий кредит линиялари номи	Хорижий кредит линиялари хисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича асосий шартлар
ТИФ Миллий банки	Хитой таррақиёт банки	Фоиз ставкаси = LIBOR +маржа (3,5%) + банк маржаси Кредитнинг максимал миқдори – 1,0 млн.АҚШ долл. Кредитнинг минимал миқдори – 100 минг АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати – 7 йилгача (1,5 йилгача максимал имтиёзли давр билан)	Хитой таррақиёт банки
	Ислом тарақиёт банки	Фоиз ставкаси = хорижий банк фоиз ставкаси (хар бир мижоз бўйича алоҳида белгиланади) + банк маржаси Кредитнинг минимал миқдори – 100 минг АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати – 5 йилгача (2,5 йилгача максимал имтиёзли давр билан)	Корея Эксим Банк

			йилгача (3 йилгача максимал имтиёзли давр билан)
	Агробанк	Хусусий секторларни ривожлантириш Ислом корпорацияси	Фоиз ставкаси = йиллик 10,5 – 12 % Кредитнинг максимал миқдори – 1,5 млн.АҚШ долл. Кредитнинг минимал миқдори – 100 минг АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати – 5 йилгача (3 ойгача максимал имтиёзли давр билан)
		Осиё тараққиёт банки	Фоиз ставкаси = йиллик 15 – 16 % Кредитнинг максимал миқдори – 20 минг АҚШ долл. Кредитнинг минимал миқдори – 5 минг АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати – 3 йилгача (3 ойгача максимал имтиёзли давр билан)
		Халқаро тараққиёт уюшмаси	Фоиз ставкаси = LIBOR + банк маржаси (йиллик 3-5 %) Кредитнинг максимал миқдори – 300 минг АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати – 10 йилгача (3 йилгача максимал имтиёзли давр билан)
	Асака банк	Корея Эксим Банк	Фоиз ставкаси = хорижий банк фоиз ставкаси (ҳар бир мижоз бўйича алоҳида белгиланади) + банк маржаси Кредитнинг максимал миқдори – 200 минг АҚШ долл. Кредитнинг максимал муддати – 5 йилгача (1 йилгача максимал имтиёзли давр билан)

Тижорат банклари кредитларининг кредит сиёсати асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг хорижий банклар ва молия институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, уларнинг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди ва бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ички манбалар ҳисобидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини инвестицион кредитлаш ҳажмини масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки тижорат

банкларининг ўз ва жалб қилинган ресурслари ҳисобидан иқтисодиёт реал секторига ажратилган кредит қўйилмалари ўсиш суръатларига эга бўлиб, иқтисодиётни модернизациялашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Тижорат банкларининг инвестицион инновацияси кредитлаш салоҳиятини оширишда банкларнинг барқарор ресурс базага эга бўлиши, хусусан юқори капиталлашув даражаси ва узоқ муддатли ресурслари ҳажмига бевосита боғлик ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, республикада тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасида қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни муомалага чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилишини янада жонлантириш орқали узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш. Бу эса тижора банкларининг фонд бозоридаги фаолиятини ривожлантиришга ва ресурслар бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга замин яратади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира талабномалари нормаларини 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги талабларни вақтинчалик (1-3 йил оралиғида) амалда қўлламаслик йўли билан, тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитларни жалб қилишга бўлган қизиқишини ортириш. Бу эса банклар томонидан узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Тижорат банклари томонидан йирик инвестицион инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатли кредитлаш амалиётидан кенг фойдаланиш бугунги қундаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Банклар томонидан синдикатли кредитлаш орқали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуидагиларни таъминлашга хизмат қиласди:

- кредит миқдори Марказий банк томонидан кредитлаш

чегараларига ўрнатилган меъёрлар даражасида бўлиши таъминланади;

— банк кредитлаш амалиётида диверсикация натижасида юзага келадиган кредит риски даражасининг пасайтириш имкони юзага келади;

— синдикатга аъзо тижорат банклари томонидан йирик инвестицион лойихани ва ажратилган кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишни доимий мониторинг қилиш орқали ажратилган кредитларнинг ўз вақтида қайтиши таъминланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган таклифларни амалиётда қўлланилиши, ўз навбатида, кичик бизнес субъектларини инвестицион кредитлаш ҳажмини ошириш ҳамда кредитлаш амалиётини такомиллаштиршга хизмат қиласди.

IV Боб. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиалида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкўр масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бераб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил оғатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин куроллари ва хужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсиrlардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлкан бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий

ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, заар қўрган ҳудудларда қутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чукур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар қўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиали ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий қўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий қўрикдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичida муҳим ўрин тутади.

Рахбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишида уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)²⁰ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади.

²⁰ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кўзатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, обьектларни узлуксиз фаолият қўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарап келтиради. Бир неча минут ёки соат ичida жуда катта микдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа заарли хид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усусларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қиласди.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташқил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим обьектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат обьектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда

ёнғин мухофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида ёнғин мухофазасини ташқил қилиш ва ёнғин чиқишини оғоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин мухофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин мухофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташқилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташқил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташқилотлари ташқилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин мухофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиши ва уларни чоп этиши;
- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташқилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташқилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигига айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез қўтарилади ва қуюқ тутун

ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташқил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида алганга майдонининг тарқалиш тезлиги $8-12 \text{ м}^2/\text{мин}$. ни ташқил этади.

Бунинг оқибатида ёнгинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнгин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнфинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қиласди. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнгинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишидир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнгин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнгин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вақилларини жалб қилиш кўзда тутилади.

Бунда ёнгин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнгин жиҳатидан хавфсизлиги корхона худудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона худуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнгин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнгин хавфи белгиларидан келиб чиқкан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиалида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)²¹ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнгинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

²¹ Фавлукотда вазият кейингиларда-ФВ

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гурӯхга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташқил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тутатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташқил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташқил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган,

республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гурӯҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиласиган авиа ҳалокатлар;

Ёнфинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларила бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт восигаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги

авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий мухитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портрайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг меҳаниқ ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидиув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг маҳсус анжомларини ва воситаларини кўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЕС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ кувурларидаги, сув чиқариш

иншоотларидаги, сув қувурларидаги, қанализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги заарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш курилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда заарар кўрганларга шошибинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиласидиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан заарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва қаналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли хаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва

шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчқилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсиқантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт махсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф соловчи концентрацияларда қўлланиладиган пестициidlар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингридиэнтлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олtingугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф соловчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар;

— кенг қўламда кислотали худудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт махсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, хар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Хозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташқилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли обьектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажralиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд обьектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

4.4. Infinbank АТБ Самарқанд вилоят филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактика, ташхис қўйиш-даволаш, куч-куватни тиклаш, санаторий-кўрорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemorларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқишиш-

парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташқилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, харакатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқقا эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни саклаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертиздан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатdir.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданинг жароҳатланган ва қуйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ

қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирамайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиши, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами қўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибинни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирамайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирамайдиган қилиб қўйиш учун маҳсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

ХУЛОСА

Шундай қилиб иқтисодиётнинг янгиланиш шароитида банк фаолияти янги кўринишга эга бўлиб, унинг асосий жиҳатлари қуидагиларда намоён бўлмоқда:

- анъанавий банк операциялари, улушининг камайиб бориши ва мижозларнинг талабларига жавоб берадиган янги маҳсулот ва хизматларнинг кўпайиши;
- банк капиталйнинг миллий ва халқаро доирада жамлашуви;
- банк бозор қийматини оширишнинг банк менежментининг асосий мақсадига айланиши. Бунда банк хатар-менежментга асосий эътиборини қаратувчи ташкилот сифатида фаолият юритиши ва х.к.

Хозирда банклар ҳамжамияти шундай фикрга келмоқдаки, банк бозор қийматининг ошиши ва банк капитализациясининг ўсиши умумий кўринишда банкларнинг ижтимоий функцияларининг бажарилишини ва иш ўринларининг сақланишини таъминламоқда. Бу давлатнинг умумий иқтисодий ўсиш тамойилларига ҳам мос келади.

Агар бирор-бир инвестор ўзи яшаётган давлат ёки минтақадаги бир нечта мамлакатлар ичидан алоҳида бир давлатини танлаб олиб, унинг иқтисодиётига ихтиёридаги инвестиция ресурсларини сарфлай бошласа, ишонч билан айтиш мумкинки, ўша жойда инвестицион инновациялар муҳитини белгилаб берувчи инвестицион инновация сиёсати тўғри ва оқилона ташкил этилаган.

Хозирги даврда инвестицияга муҳтоҷ Республика корхоналарининг кўпчилиги уларни жалб қилиш ва фаолият кўрсатишига тайёр эмаслар, яъни кўп компанияларнинг аниқ истиқболлари йўқлиги, корхоналарни бошқариш бўйича чет эл инвесторларини жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги тўғрисида фикр юритилмоқда. Бунинг учун эса Республика иқтисодиётига ўз ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни амалга ошира оладиган аниқ давлат концепцияси яратилиши лозим.

Республикада тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасида қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни муомалага чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилишини янада жонлантириш орқали узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш. Бу эса тижора банкларининг фонд бозоридаги фаолиятини ривожлантиришга ва ресурслар бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга замин яратади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира талабномалари нормаларини 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги талабларни вақтинчалик (1-3 йил оралиғида) амалда қўлламаслик йўли билан, тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитларни жалб қилишга бўлган қизиқишини ортгириш. Бу эса банклар томонидан узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Тижорат банклари томонидан йирик инвестицион инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатли кредитлаш амалиётидан кенг фойдаланиш бугунги кундаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Банклар томонидан синдикатли кредитлаш орқали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуидагиларни таъминлашга хизмат қиласди:

- кредит миқдори Марказий банк томонидан кредитлаш чегараларига ўрнатилган меъёрлар даражасида бўлиши таъминланади;
- банк кредитлаш амалиётида диверсикация натижасида юзага келадиган кредит риски даражасининг пасайтириш имкони юзага келади;
- синдикатга аъзо тижорат банклари томонидан йирик инвестицион лойиҳани ва ажратилган кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишни доимий мониторинг қилиш орқали ажратилган

кредитларнинг ўз вақтида қайтиши таъминланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган таклифларни амалиётда қўлланилиши, ўз навбатида, кичик бизнес субъектларини инвестицион кредитлаш ҳажмини ошириш ҳамда кредитлаш амалиётини тақомиллаштиршга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014. –746.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.:Адолат, 2012.
3. Ўзбекистон республикаси Бюджет Кодекси (Қонунчилик палатаси томонидан 28.08.2013да қабул қилинган, Сенат томонидан 12.12.2013да маъқулланган, 01.01.2014дан кучга кирган).
4. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й.
5. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.
6. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й.
7. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони.
10. «Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўловундириш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 7-сон Қарори.
11. «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 04.02.2003 й. №63.

12. «Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 05.08.2002 й. №280.

13. «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 22.06.2001 й. №264.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 -2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидағи 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.

15. «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида» Низоми. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон Қарори.

16. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон. 2005 й.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон. 2009 й.

18. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.-Т.: Ўзбекистон. 2009й.

19. Каримов И.А. Бosh мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон. 2013й.

20. Каримов И.А “Асосий вазифамиз - жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қўтаришдан иборат” - Т.: Ўзбекистон, 2015 йил

21. Каримов И.А “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. - Т.: Ўзбекистон, 2015 йил.

22. Каримов И.А “Бosh мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш,

хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир”. - Т.: Ўзбекистон, 2016 йил.

23. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.

24. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистан, 2017 йил.

25. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Zarafshon. 2017 йил 23 декабр, 157 сон.

26. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.

27. Абдуллаев Ё., Коралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010-йил, -532 бет.115-б.

28. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. – Б. 124-187.

29. Абдуллаева Ш.З., Қуллиев И.Я. “Банк иши фанидан чизма услугбий қўлланма” Т.: “Иқтисод-молия” 2007й. 123 б.

30. Abdullaeva Sh.Z. Bank ishi: Darslik. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017/ - 732 b.

31. Батракова Л.Г. Экономико-статистический анализ кредитных операций коммерческого банка. -М.: Логос, 2008. -216 с.

32. Банки и банковские операции: Учебник. / Под ред. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 1997. – 387 с.

33. Банковское дело: Учебник / Под ред. В.И.Колесникова. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 789 с.

34. Деньги, кредит, банки: учебник коллектив авторов; под.ред. О.И.Лаврушина. 12-изд.стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.

35. Жарковская Е.П. Банковское дело. -М.: Омега-Л, 2006. -452 с.

36. Зайналов Ж.Р. и др. Управления банковскими рисками в условиях модернизации экономики. – М.: ООО “Пресс-Принет”, 2013. – 36с.
37. Лаврушин О.И. Банковские риски. -М.: КноРус, 2008. -232 с.
38. 36. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. -М.: КноРус, 2008. - 560 с.
39. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. –Москва: Издательство Консалтбанкир, 2003 г. -279 с.
40. Коралиев Т., Ортиқов У. Банк ресурсларини бошқариш.- Монография. 2009 йил. - 123 б.
41. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. и.ф.н.. дисс. автореферати. -Т., 2008. -20 б.
42. Шоғиёсов Т., Ҳакимов Б. “Молиявий таҳлил” Ўқув қўлланма. Т- 2010 й.
43. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси. Капиталга нисбатанбелгиланган минимал талаблар (Базель ИИ), 2003 йил апрель.
44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010-2017 йиллар бўйича ҳисбот маълумотлари.
45. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2017 йил.
46. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. -Т., 2014. -189 б.
47. Интернет сайtlари
- <http://www.cbu.uz/>
- <http://www.worldbank.org/>
- <http://www.ebrd.org/>
- <http://www.federalreserve.gov/>
- <http://www.review.uz/>
- <http://www.finam.ru/dictionary>.
- <http://www.cbr.ru>
- <http://www.bank.uz>

<http://www.gov.uz/>

<http://www.cer.uz>

<http://www.bankinfo.uz>